

№ 1 - сонли ШАРТНОМА2022 йил « 7 » 11.

Бағдод тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «MEAT- MARKET 21» МЧЖ номидан раҳбари Д.Актамов шахсида, кейинги ўринларда «Таминотчи» деб аталувчи бир томондан ва иккинчи томондан Низом асосида иш юритувчи Вэл. 2-сон. фирмаси қасб. шир номидан раҳбари М. Абдуллоев шахсида, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталувчилар ўртасида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети:

«Таминотчи» «Буюртмачи»га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради: карташча 30х4 маҳсулотини.

Мазкур шартноманинг умумий қиймати 300000000 Ўзбекистон Республикаси сўмни ташкил қилади.

Маҳсулотларни куйидаги ассортиментда етказиб берилади:

№	Лот рақами	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	қиймати	ККС		Умумий суммаси
							%	суммаси	
	<u>192484</u>	<u>карташча</u>	<u>кг</u>	<u>4500</u>	<u>4000</u>				<u>300000000</u>
Жами: <u>Ўзбекистон Республикаси</u>									<u>300000000</u>

2. Ҳисоб – китоб шартлари:

Олинган маҳсулотлар учун келишилган нархларда ҳисоб – китоб қилинади.

«Таминотчи» маҳсулотни етказиб бергандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берилган маҳсулот қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. «Буюртмачи» «Таминотчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан 30 % микдорида маблағ ўтказдириб берилгандан сўнг, шартномада курсатилган микдордаги маҳсулотни шартномага илова қилинган муассасаларга тулик микдорларда етказиб берилиб, ҳисоб фактуралар тақдим этилгандан кейин қолган 70% микдоридаги туловларни амалга оширади.

Маҳсулот учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда ўша кунга ҳудудаги ўртача бозор нархлари, ҳулосалари асос қилиб олинади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган маҳсулотларни белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ таъминотчи зиммасидан қопланади.

3. Маҳсулотни етказиб бериш:

«Таминотчи» шартномада белгиланган маҳсулотни шартноманинг 1.3. - бандидаги тақсимотномага асосан шартнома муддати тугагунга қадар етказиб беради.

4. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

«Таминотчи» «Буюртмачи» томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмолок муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.

«Таминотчи» маҳсулотни намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотни сифатлилигига қафолат беради

«Буюртмачи» шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

«Таминотчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар «Таминотчи» га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

«Таминотчи» етказиб берган махсулотларни ҳисоб вароқларда тўлик ва аниқ номини, махсулотларни номи ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб вароқларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик расмийлаштириши шарт

5. Жарималар қўлланилиши:

Агар «Таминотчи» томонидан буюртмачига сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган махсулотларни етказиб келган ҳолда «Буюртмачи» «Таминотчи»дан бундай махсулотларни умумий қийматидан 50 % лекин шартноманинг 1.2. –бандида кўрсатиб ўтилган сумманинг 50 %идан ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

Агар «Таминотчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган махсулотларни белгиланган муддатларда етказиб келинмаса, «Таминотчи» муддати ўтган махсулотларни умумий қийматини 0.05% хар – бир ўтказиб юборилган кун учун

«Буюртмачи»га жарима тўлайди.

Жарималар тўланиши «Таминотчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

«Буюртмачи» уз вақтида олинган махсулотларни учун туловни амалга оширмаса, махсулотларнинг умумий қийматидан 50 % лекин шартноманинг 1.2. –бандида кўрсатиб ўтилган сумманинг 50 %идан ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

«Буюртмачи» олинган махсулотлар учун «Таъминотчи» га туловни уз муддатида амалга оширмаса махсулотларнинг умумий қийматини 0.05% хар – бир ўтказиб юборилган кун учун жарима тўлайди.

6. Шартнома муддати:

Шартнома иккала томонлар имзолагандан сўнг кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабригача.

Шартнома томонлар келишувига асосан «Таминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар «Буюртмачи» томонидан сифатсиз деб топилганда «Таминотчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1.; 4.2.; 4.3. – бандлари бажирилмаганда шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинганлиги тўғрисида «Буюртмачи» «Таминотчи»га ёзма равишда асослари келтирилган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар:

Шартнома икки нусхада тузилиб, хар – бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб, томонларда бир нусхадан сакланади.

Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битм имзоланган ҳолда қонуний деб ҳисобланади.

8. Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари ва банк реквизитлари:

«Таминотчи»
«MEAT – MARKET 21» МЧЖ
Манзили: Бағдод тумани
Х/р: 20208000305359821001
АТ Хамкор банк Кукон ф.
МФО:00956_СТИР308288750
Тел:94 4958777

раҳбар: Д. Акгамов

М.У

Ҳуқуқшунос: _____

«Буюртмачи»

«Ваш. 2 сои. русии касаликлар шир»

Манзили: Душанбе шаҳ. Аҳлинон №4

ШХР: 10021862304054073201054001

ИНН: 201270023 ОКНХ 91571

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Газначилиги ягона газна ҳисоб вараги

Газна х/р:23402000300100001010

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар Бошқармаси ХККМ

МФО:00014 Газначилик булинмаси СТИРИ:201122919

раҳбар: С. Абурамова

М.У

Ҳ. Қасимов